
Тошкентда транспорт университети ва унинг академик лицейи ташкил этилади

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги президент қарори лойиҳаси [эълон қилинди](#).

Қарор лойиҳасига кўра, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида **Тошкент транспорт университети** ташкил этилади.

Университет транспорт соҳаси учун олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Университет Тошкент шаҳар, Адилходжаев кўчаси, 1-уйда жойлаштирилади.

Университет ректорининг биринчи ўринбосари юқори малакали **хорижий мутахассис** бўлади.

Университет фаолияти қуйидаги манбалардан молиялаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
- ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;
- хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия маблағлари;
- халқаро молия ташкилотларининг грантлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Шунингдек, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтларининг академик лицейлари негизида **Тошкент транспорт университети академик лицейи** ташкил этилади.

Академик лицей Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 21-а уйда жойлаштирилади.

2020-03-02 09:50:34